

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДУСЧАНОВА РАХАТЖАН ИУЛДАШОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВИТАМИНЛАР
ЕТИШМАСЛИГИНИ НУТРИЕНТИВ СТАТУСИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ
ГИГИЕНИК АСОСЛАШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Дусчанова Рахатжан Иулдашовна

Бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини
нутриентив статусига боғлиқлигини гигиеник асослаш..... 3

Дусчанова Рахатжан Иулдашовна

Гигиеническое обоснование витаминной недостаточности учащихся
начальных классов, связанной с нутритивным
статусом..... 32

Duschanova Raxatjan Iuldashevna

Hygienic justification of lack of vitamins in elementary school students
depending on nutritional status 58

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ДУСЧАНОВА РАХАТЖАН ИУЛДАШОВНА

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ВИТАМИНЛАР
ЕТИШМАСЛИГИНИ НУТРИЕНТИВ СТАТУСИГА БОҒЛИҚЛИГИНИ
ГИГИЕНИК АСОСЛАШ

14.00.07 – Гигиена

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2698 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрматов Низом Жумакулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Камилова Роза Толановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Максудова Зумрат Якубжановна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент
(Тожикистон Республикаси)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктри (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалик ва ўсмирлик даврида соғлом ва тартибли овқатланиш касалликларнинг олдини олиш, таълим ва тарбия шароити, академик кўрсаткичларини яхшилаш, жисмоний ва ақлий ривожланишни уйғунлигини таъминлашга шароит яратиш билан биргаликда, ёш авлоднинг атроф-муҳитнинг салбий омилларига мослашиши учун қулайлик яратади ва унинг кейинги ҳаёти давомида инсон саломатлигининг шаклланиши ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Мактаб ёшидаги болаларни витамин ва минерал билан етарли даражада таъминлаш ва уни назорат қилиш бугуни кундаги долзарб муаммолардан биридир. Болалик даврида витаминлар етишмаслигини ташхислаш, тарқалиш сабаблари ва клиник кўринишларини баҳолаш орқали, витамин ва микроэлементлар билан бойитилган овқат, мултивитаминли-минерал комплекслар билан бойитилган ичимлик, витамин-минерал қўшимчаси ёрдамида гиповитаминозларнинг олдини олиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур. Сўнгги йиллардаги оммавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «...Оврўпада парҳезлар тўлиқ ва витамин-минерал комплекслар учун қўшимча давлат томонидан ажартиладиган маблағларсиз бўлсада, болалар ва ўсмирларнинг 20-30% кўпчилик витаминларнинг етишмовчилигини бошдан кечириши қайд қилинмоқда...»¹. Сўнгги 10 йил ичида мактаб ўқувчиларининг витаминлар билан таъминлаш ҳолати хавотирли бўлиб қолмоқда. С витамини етишмаслиги 38-90% мактаб ўқувчиларида, 2-35% рибофлавин, 35-75% ва 84%да каротин етишмаслиги ва текширилган 20-40% ўқувчилар орасида оғир витаминлар етишмаслиги аниқланган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлигини гигиеник асослаш профилактик тиббиёт соҳасида ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлигини гигиеник асослаш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада шаҳар ва қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилари саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасини гигиеник таҳлил қилиш, бошланғич синф ўқувчиларининг уй ва мактаб шароитида кунлик овқатланиш тартиби ҳамда нутриентив статусини, кунлик рацион таркибида макро ва микронутриентлар билан таъминланганлик ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш ҳамда бошланғич синф ўқувчилари саломатлигини яхшилашда давлат томонидан иккинчи нонуштанинг рационга киритилиши орқали овқатланиш тартибини яхшилашга қаратилган комплекс гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан соғлом овқатланиш

¹Старостина Л.С. Роль обеспеченности детей витаминами и минеральными веществами с позиции педиатра. РМЖ. Мать и дитя. 2020;3(4):319-325. DOI: 10.32364/2618-8430-2020-3-4-319-325.

билан боғлиқ касалликлар натижасида юзага келадиган ҳаёт тарзининг бузилишини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бошланғич синф ўқувчилари орасида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлигини гигиеник асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон «2022—2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар мажмасининг 2022 йил 25 августдаги 472-сон «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Витамин ва минерал моддалар етишмаслиги бугунги кунда дунёнинг қатор мамлакатларида болалар ва ўсмирларнинг саломатлигида инқирозли ҳолат бўлиб, уларнинг организмида бир қанча салбий жараёнларнинг кузатилиши қатор олимларнинг ишларида қайд этилмоқда (Баранов, 2010). Мактабгача таълим ва мактаб ёшидаги болаларнинг нутриентив статусининг бузилиши натижасида бугунги кунда дунёда болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолатининг ўзгаришлари оқибатида кунлик овқатланиш ҳолатининг бузилиши билан биргаликда мушак-суяк, айирув-жинсий, руҳий-асаб ва сезиш тизимларида касалликлар сонининг ортиши кузатилмоқда (Г.А.Герасимов, 2017). Ушбу ҳолатларнинг ривожланиши соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланишнинг издан чиқиши билан кечмоқда. Озиқланиш омилларининг кенг доираси замонавий тараққиёт

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

даврида алиментар жараёнлар билан боғлиқ сурункали юқумли бўлмаган касалликларнинг (АБСЮБК) ривожланишида муҳим ўрин тутади, омилларнинг комбинацияси турли хил ассоциатив муносабатларга эга ва АБК ривожланишига таъсир қилади (ЖССТ, 2003, 2011). Болалар ва ўсмирлар гигиенаси мутахассисларининг асосий эътибори болалар контингентини баркамол ривожланиши ва саломатлик ҳолатини гармоник равишда шакллантириш учун қулай шароитларни таъминлаш бўйича масалалар билан шуғулланишга қаратилган бўлиши керак, яъни, санитар-гигиеник ва эпидемиологик тартиблар, даволаш ва соғломлаштириш, таълим- тарбиявий жараёнларни ташкил этиш, тиббий хизмат кўрсатиш тартиби ва самарадорлигини оширишга қаратишдан иборат. Маълумки болалик даврида жадал ўсиш ва шиддатли моддалар алмашинуви жараёнлари кечади, бу эса бола организмнинг витамин ва минерал моддаларга бўлган юқори эҳтиёжини белгилайди. Янги сабзавот ва мевалар етарли бўлишига қарамай, Россия аҳолисининг 80-90%ида С витамини танқислиги, 40-60%ида А, В₁, В₂ витаминлари даражаси пасайганлиги, 30-40% болаларда темир ва кальций танқислиги, 70-80%ида йод танқислиги кузатилмоқда. Россиялик болаларда витамин танқислиги полигиповитаминоз хусусиятига эга бўлиб, йил давомида, ҳатто ёз ойларида ҳам ўзгармай давом этаётгани қайд этилган. Витаминлар танқислиги моддалар алмашинувини ўзгариши, иммунитетнинг пасайиши, жисмоний ва руҳий ривожланишини ўзгариши, сурункали касалликларнинг қайталанишини оширади (Л.С.Старастина, 2020). Аҳолининг турли қатламларининг саломатлик ҳолати, соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш қоидаларига риоя қилишга боғлиқлиги қатор тадқиқотларда ўз аксини топган (Г.Г.Онищенко, 2001, 2005; В.Р.Кучма, 2015; 2022; В.В.Тутелян, 2020; М.Н.Волгарев, 2021; О.В.Вржинская, 2017; 2022).

Ўзбекистонда турли таълим муассасаларида тарбияланаётган мактаб ўқувчиларининг нутриентив статусини яхшилаш орқали, овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, самарадорлигини баҳолашга қаратилган қатор илмий ишлар бажарилган (Г.И.Шайхова, 2020; 2024; Р.Т.Камилова, 2022; 2025; Н.Ж.Эрматов, 2016; 2019; 2024; Ф.Л.Азизова, 2016; 2018; 2024), бироқ бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлиги гигиеник асосланмаган.

Ўрганилган илмий манбаларнинг таҳлили мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидаги бошланғич синф ўқувчилари орасида микронутриентлар етишмаслигини олдини олиш ва коррекциялаш, бошланғич синф ўқувчилари саломатлик ҳолатини таҳлил қилиш орқали мактабда овқатланиш тартибини ташкиллаштириш, унинг озуқавий, биологик ва кимёвий таркибини баҳолаш, оқсилга бой маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш орқали, касалланиш даражасини камайтиришга қаратилган соғлом овқатланишини ташкиллаштириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш,

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавfli омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бошланғич синф ўқувчиларнинг кунлик нутриентив статусини таҳлил қилиш ва витаминлар етишмовчилигини олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шаҳар ва қишлоқ шароитида истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилари саломатлик ҳолати ва касалланиш даражасини гигиеник таҳлил қилиш;

бошланғич синф ўқувчиларининг уй ва мактаб шароитида кунлик овқатланиш тартиби ҳамда нутриентив статусини гигиеник баҳолаш;

бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик рациона таркибида макро ва микронутриентлар билан таъминланганлик ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш;

бошланғич синф ўқувчилари саломатлигини тиклашда иккинчи нонуштанинг рационга киритилиши орқали овқатланиш тартибини яхшилашга қаратилган комплекс гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилоятида 2021-2023 йиллар давомида шаҳар шароитидаги Ургенч шаҳарида 10 мактабдаги 623 нафар 343 ўғил ва 280 нафари қизлар ҳамда қишлоқ шароитида Шовот туманидаги 1-сон мактабда тарбияланаётган 501 нафар 257 нафари ўғил ва 244 нафари қизлар, умумий 1124 нафар бошланғич синф ўқувчиларининг (600 нафар ўғил ва 524 нафарини қиз болалар) кунлик овқатланиш рациона, бепул иккинчи нонушта таркиби ва касалланиш материалларини таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мактаб ўқувчилари орасида касалланиш, кунлик рациона таркибидаги макронутриентлар (оқсил, ёғ ва карбонсувлар) ва микронутриентлар (витамин ва минераллар) гигиеник таҳлил натижалари, ўқувчиларнинг антропометрик кўрсаткичлари (бўйи, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси), тана вазн индекси, болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолати ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар ва қоннинг биокимёвий таҳлил материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлиги гигиеник баҳолашда анкета-сўровнома, гигиеник, аналитик, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлик ҳолати, касалланиши, жисмоний ривожланишининг кунлик овқатланиш рационининг кимёвий таркиби, озуқавий ва биологик қийматининг гигиеник хусусиятларига боғлиқлиги асосланган;

шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчиларнинг мактаб ва уй шароитидаги кунлик овқатланиш рациона таркибидаги маҳсулотларнинг витамин ва минерал таркибининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари юқори, ўртача ва паст қийматли маҳсулотларга ажратилган тартибда асосланган;

шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилари учун ташкиллаштирилган иккинчи нонуштанинг таркибий қисми ва таркибидаги йод сақловчи ва витаминлар билан бойитилган маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қиймати гигиеник асосланган;

бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик рационига киритилган иккинчи нонуштанинг мактаб ўқувчиларининг овқатланиш статуси, жисмоний ривожланиши ва витаминлар билан таъминлаганлик даражасига таъсирининг ўрни исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларининг овқатланиш тартиби издан чиққанлиги натижасида касалланиш даражасига боғлиқлиги аниқлаштирилган;

мактаб ўқувчиларнинг кунлик овқатланиш тартибининг издан чиққанлиги, таркибидаги витаминлар етишмаслиги билан боғлиқлиги баҳоланган;

мактаб ўқувчилари орасида нутриентив статусининг бузилишини олдини олиш мақсадида иккинчи нонушта таркиби ва унинг организмнинг функционал ҳолатига таъсири гигиеник таҳлил қилинган;

мактаб ўқувчиларига берилган бепул нонуштанинг самарадорлиги гигиеник таҳлил асосида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган ўқувчилар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи анкета-сўровнома, гигиеник, аналитик, инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлиги гигиеник баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган мактаб ўқувчилари орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, кунлик рационини маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, А, С, В, D, Е витаминлар етишмаслигини олдини олишга қаратилган кунлик рацион тузиш, кунлик рацион таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар, витамин ва минераллар ўрнини гигиеник таҳлил қилиш ва бойитиш, рационининг кимёвий ва биологик қийматини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилари орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш, кунлик рационини маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш орқали А, С, В, D, Е витаминлар етишмаслигини олдини олиш орқали мактаб ўқувчиларнинг самарали ишлаш қобилиятини таъминлаш, касалланиш даражасини камайтириш ва саломатлик ҳолатини тиклашнинг амалий натижалари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлиги гигиеник баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: бошланғич синф ўқувчиларининг саломатлик ҳолати, касалланиши, жисмоний ривожланишининг кунлик овқатланиш рационининг кимёвий таркиби, озуқавий ва биологик қийматининг гигиеник хусусиятларига боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 11 ноябрда 11-23/198-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилар касаланиш ҳолатини ўзига хос хусусиятлари ва олдини олишга тизимли ёндошув» ҳамда 2024 йил 21 июнда 06-24/332-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилари нутриентив статусини баҳолаш натижасида витаминлар етишмовчилигини олдини олиш тартибини баҳолашга тизимли ёндошув» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Хоразм вилояти бошқармаси бўйича 02.04.2024 йилдаги 82-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Жиззах вилояти бошқармаси бўйича 04.04.2024 йилдаги 11-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 03.07.2024 йилдаги 63-Т-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бўйича 04.07.2024 йилдаги 160-К-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 05.07.2024 йилдаги 112-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/52-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибининг физиологик меъёрларга мос келмаслиги, асосий рационнинг карбонсув ва рангли ичимликлар билан бойитилганлиги, касалланиш, жисмоний ривожланишнинг ўзгариши билан боғлиқлиги натижасидаги юзага келадиган касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш тартибини ишлаб чиқиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибининг физиологик меъёрларга мос келмаслиги натижасида юзага келган хасталикларнинг даволаш учун сарфланадиган 90000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчиларнинг мактаб ва уй шароитидаги кунлик овқатланиш рацион таркибидаги маҳсулотларнинг витамин ва минерал таркибининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари юқори, ўртача ва паст қийматли маҳсулотларга ажратилган тартибда асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 11 ноябрда 11-23/198-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилар касаланиш ҳолатини ўзига хос хусусиятлари ва олдини олишга тизимли ёндошув» ҳамда 2024 йил 21 июнда 06-24/332-т-сон

билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилари нутриентив статусини баҳолаш натижасида витаминлар етишмовчилигини олдини олиш тартибини баҳолашга тизимли ёндошув» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Хоразм вилояти бошқармаси бўйича 02.04.2024 йилдаги 82-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Жиззах вилояти бошқармаси бўйича 04.04.2024 йилдаги 11-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 03.07.2024 йилдаги 63-Т-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бўйича 04.07.2024 йилдаги 160-К-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 05.07.2024 йилдаги 112-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/52-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шимолий худудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчиларнинг мактаб ва уй шароитидаги кунлик овқатланиш рационини таркибидаги витамин ва минерал сақловчи маҳсулотларининг сон ва сифат кўрсаткичларининг гигиеник таҳлили ҳамда кун давоимда истеъмолнинг меъёрдан кўплигини инобатга олган тартибида юқори хавф, ўртача, паст хавф гуруҳларига ажратилган маҳсулотларининг истеъмол ҳолатига қараб, уларнинг жисмоний ривожланишининг издан чиқиши ва касалланиш даражасининг ортишини овқатланиш тартиби ва нутриентив статусига боғлиқлигини баҳолаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик овқатланиш тартибининг физиологик меъёрларга мос келмаслиги натижасида юзага келган хасталикларнинг даволаш учун сарфланадиган 90000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: шимолий худудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилари учун ташкиллаштирилган иккинчи нонуштанинг таркибий қисми ва таркибидаги йод сақловчи ва витаминлар билан бойитилган маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қиймати гигиеник асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 11 ноябрда 11-23/198-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилар касалланиш ҳолатини ўзига хос хусусиятлари ва олдини олишга тизимли ёндошув» ҳамда 2024 йил 21 июнда 06-24/332-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилари нутриентив статусини баҳолаш натижасида витаминлар етишмовчилигини олдини олиш тартибини баҳолашга тизимли ёндошув» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Хоразм вилояти бошқармаси бўйича 02.04.2024 йилдаги 82-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Жиззах вилояти бошқармаси бўйича 04.04.2024 йилдаги 11-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 03.07.2024 йилдаги 63-Т-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бўйича

04.07.2024 йилдаги 160-К-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 05.07.2024 йилдаги 112-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/52-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилар учун ташкиллаштирилган иккинчи нонуштанинг таркибий қисми ва унинг таркибидаги йод сақловчи ва витаминлар билан бойитилган маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қийматини гигиеник таҳлили натижасида ўқувчиларнинг қони таркибидаги эритроцитлар ва гемоглобин миқдорини 15-20%га ортиши натижасида камқонлик касаллигининг камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчилар учун ташкиллаштирилган иккинчи нонуштага бир кунга бир нафар ўқувчи ҳисобига 5640 сўм, 1124 нафар ўқувчилар учун кунига 633936000 сўм маблағлар иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик рационига киритилган иккинчи нонуштанинг мактаб ўқувчиларининг овқатланиш статуси, жисмоний ривожланиши ва витаминлар билан таъминлаганлик даражасига таъсирининг ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 11 ноябрда 11-23/198-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилар касаланиш ҳолатини ўзига хос хусусиялари ва олдини олишга тизимли ёндошув» ҳамда 2024 йил 21 июнда 06-24/332-т-сон билан тасдиқланган «Бошланғич синф ўқувчилари нутриентив статусини баҳолаш натижасида витаминлар етишмовчилигини олдини олиш тартибини баҳолашга тизимли ёндошув» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Хоразм вилояти бошқармаси бўйича 02.04.2024 йилдаги 82-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Жиззах вилояти бошқармаси бўйича 04.04.2024 йилдаги 11-І-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси бўйича 03.07.2024 йилдаги 63-Т-сон, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Сирдарё вилояти бошқармаси бўйича 04.07.2024 йилдаги 160-К-сон ҳамда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги Тошкент вилояти бошқармаси бўйича 05.07.2024 йилдаги 112-П-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/52-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик рационига киритилган иккинчи нонуштанинг истеъмоли натижасида мактаб ўқувчиларнинг овқатланиш статуси, жисмоний ривожланиш ва витаминлар билан таъминлаганлик даражасининг ортиши орқали овқатланиш билан боғлиқ касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш сифатини ошириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* шимолий ҳудудда истиқомат қилаётган бошланғич синф ўқувчиларнинг саломатлик ҳолатини яхшилаш мақсадида ташкиллаштирилган иккинчи

нонушта ўқувчилар кунлик рационининг самарадорлиги ошириш натижасида бир нафар бола ҳисобига ўртача 165000 сўм, назорат остига олган ўқувчилар учун эса 18546000000 сўм маблағлар иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолатига таъсир қилувчи гигиеник омилларни таъсири баҳолашни замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида ҳозирги тараққиёт даврида мактаб ўқувчиларининг саломатлик ҳолати ва касалликларнинг тарқалиш даражаси, ўқувчилар орасида касалликларнинг нозологик тарқалганлиги, ушбу ҳолатларни олдини олиш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларининг натижалари таҳлил қилинган. Витаминлар етишмаслиги ва унинг натижасида юзага келадиган ҳолатларнинг бошланғич синф ўқувчилари ўсиш ва ривожланиши, таълим-тарбия жараёнига таъсирини илмий асослашда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларида витаминлар етишмаслигини нутриентив статусига боғлиқлигини гигиеник баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари батафсил ёритилган. Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Мактаб ўқувчилари саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, уларнинг ривожланишининг картаси (112-Х/Ш) натижалари асосида баҳоланган.

Мактаб ўқувчилари жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари (Р.Т.Камилова, 1998) стандартлари (бўй узунлиги, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси) асосида амалга оширилган.

Тадқиқотда бошланғич синф ўқувчиларнинг саломатлик гуруҳлари ажратишда Г.И.Шайхова, Н.Ж.Эрматов томонидан тавсия этилган 1, 2, 3, 4 ва 5 гуруҳлари асосида баҳоланган (Г.И.Шайхова, Н.Ж.Эрматов, 2024).

Мактаб ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати, уларнинг жисмоний ривожланиши, касалланиш ҳолатини ўрганиш учун барча ўқувчилар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилган. Тиббий кўриққа педиатр, невропатолог, отоларинголог, офтальмолог ва хирург-ортопед, гематолог, эндокринолог каби тор мутахассислар жалб этилган. Мактаб ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижалари ҳамда мурожаатлар бўйича касалликлар таҳлили Халқаро касалликлар таснифи ХКТ-10 (1993) асосида амалга оширилган.

Мактабдаги овқатланиш шароити СанНваҚ 0017-2022 «Умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ўқувчилар овқатланишини ташкил этишнинг санитария қоида, норма ва гигиена нормативлари» асосида баҳоланган.

Материаллар экспедиция шароитида йилда 4 марта (қиш, баҳор, ёз, куз мавсумларида) ўртача кунлик кўрсаткичларда 7 кун давомида ўқувчилар истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этилган ва СанНваҚ 0007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари» санитария меъёр ва қоидалари талаблари билан солиштирилган. Кунлик рационда асосий озиқ моддалар ва энергетик қиймати «**Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби**» бўйича ҳисобланган.

Мактаб ўқувчиларнинг овқатланишдан олдин ва кейин қонидаги гемоглобин концентрацияси стандарт усул бўйича дастур таъминоти (Cypress Diagnostics, Белгия) билан ярим автоматик биокимёвий анализатор «CYANSmart»да аниқланди. Эритроцитлар миқдори эса Горяев камерасида аниқланди ва витаминлардан В₁₂ цинанокобаламин иммунохемилюмнецент анализатори (ИХЛА) ёрдамида баҳоланган.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчилари орасида саломатлик ҳолатини гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобида шахар ва қишлоқ шароитда таълим олаётган бошланғич синф ўқувчиларининг касалланиш даражаси мурожаатлар асосида ўрганилганда касалланишнинг энг юқори даражаси Ургенч шаҳрида 8 ёшда ҳамда Шовот туманида эса 10 ёшга тўғри келган (1000 нафар болага нисбатан Ургенч шаҳрида 327,6ни ва Шовот туманида 318,1 ни ташкил қилган).

Тадқиқотда ёш улғайган сари мурожаатлар асосида касалланиш даражасининг камайиши кузатилди: Ургенч шаҳри ва Шовот туманларида 7 ёшда 320,0-285,7; 8 ёшда 327,6-286,7; 9 ёшда 273,3-238,1; 10 ёшда 270,0-318,1 ни ташкил қилган (1-жадвалга қаранг). 1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, тиббий кўрик натижалари шуни кўрсатдики, касалланиш даражаси шаҳар ва қишлоқ шароитида ҳам 7 ёшлилар орасида энг кам нисбатда бўлиб, ёшлар кесимида ортиши ва 10 ёшлилар орасида энг юқори даражасини шаҳар шароитида $267,6 \pm 13,6$ ва қишлоқ шароитида $360,9 \pm 14,8$ ни ташкил қилган. Яшаш шароитининг инobatга олинган ҳолда қишлоқ шароитида касалланиш даражаси кескин ортиқчалигини кўрсатди. Мактаб ўқувчилари орасида касалланиш даражасининг аниқ касалланиш даражаси билан баҳоланади. Шаҳар ва қишлоқ шароитида истиқомат қилиб келаётган 7-10 ёшлилар орасида 10 ёшлиларда $537,6 \pm 15,3$ ва $679,0 \pm 14,4$ ни ташкил қилган бўлсада, уларнинг фарқи 141,4 ни ташкил қилган. Ўртача 4 йиллик кўрсаткич шаҳар шароитида $496,6 \pm 15,4$ ва қишлоқ шароитида $492,2 \pm 15,4$ ва энг юқори кўрсаткичдан фарқи 41,0 ва 186,8 ни ташкил қилган. Шаҳар шароитида истиқомат қилаётган ўқувчиларга нисбатан қишлоқда касалланиш даражаси 4,5 мартага юқори.

Тадқиқот объектларда ўртача 4 йилда ўғил болаларда тиббий кўрикларда шаҳар шароитида 35,8% ни, қишлоқ шароитида 60,8% касаллик аниқланган. Қишлоқ шароитида ўртача ҳақиқий «чин» касалланиш кўрсаткичи 40,4%-63,4% и тиббий кўриклар натижасида аниқланган. Ўтказилган тиббий кўриклар асосида олинган натижаларда бунинг аксини кўриш мумкин, яъни ўқувчилар улғайган сайин тиббий кўриқда аниқланган касалликлар улуши ортиб бориши, ўртача ҳақиқий «чин» касалланиш кўрсаткичининг қарийиб 40% и тиббий кўриклар натижасида аниқланган, болалар ҳаётининг 8-, 9- ва 10-йилларида тиббий кўрикларда аниқланган касалликлар улуши мос равишда 54,6%, 83,9% ва 99,1% ни ташкил қилди.


Назорат остига олинган мактаб ўқувчилар орасида асосий кенг тарқалган касалликларнинг тарқалганлик даражаси 1-расмда келтирилган.

**Бошланғич синф ўқувчилар касалланиш ҳолатининг натижалари
(мазкур ёш гуруҳидаги 1000 нафар болага нисбатан)**

Ёши	касалланиш					
	Мурожаатлар		Тиббий кўрик		Чин касалланиш	
	Шаҳар	қишлоқ	Шаҳар	қишлоқ	Шаҳар	қишлоқ
7	320,0±14,4	285,7±13,9	73,3±8,0	107,6±9,5	393,3±15,0	393,3±15,0
8	327,6 ±14,2	286,7± 13,9	179,0±11,8	193,3±12,1	506,6±15,4	480,0±15,4
9	273,3±13,7	238,1±13,0	229,5±12,9	273,3±13,7	502,8±15,4	511,4±15,4
10	270,0±13,5	318,1±14,3	267,6±13,6	360,9±14,8	537,6±15,3	679,0±14,4
ўртача	355,2±14,1	301,2±14,1	141,4±10,7	190,9±12,1	496,6±15,4	492,2±15,4

Изоҳ: *-физиологик меъёр кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001).

Назорат остига олинган мактабларда Урганч шаҳарида бошланғич синф ўқувчилари орасида «чин» касалланишлар структурасида етакчи ўринни нафас олиш аъзолари касалликлари тарқалиши шаҳар шароитида 45,2%ни, қишлоқ шароитида 37,1%ни, қон ва қон яратувчи аъзолар касалликлари 13,5-30,2%ни, эндокрин тизми касалликлари 11,2-13,1%ни, юқумли ва паразитар касалликлар 6,8%-7,4%, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари 4,9-5,0% эгаллайди. Ушбу касалликлар бошланғич синф ўқувчилари чин касалланишларининг 84,9%-87,6%и юқорида қайт қилинган 5 та синф касалликлар улушига тўғри келади.




1-расм. Бошланғич синф ўқувчилари касалланиш структураси (%)

Бундан кўриниб турибдики, тиббий кўрикларнинг аҳамияти қишлоқ шароитида таълим олаётган ўқувчилар орасида сурункали касалликларни аниқлашда муҳимдир, шунинг учун қишлоқ шароитидаги ўқувчилар орасида 6 ва 7 ёшларда профилактик тиббий кўриклар ўтказиш, улар организмидаги сурункали яширин кечувчи касалликларнинг аниқланишига ёрдам беради. Болаларнинг бу даврдаги сурункали касалликлари уларнинг келгусидаги жисмоний ва жинсий ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади, шунинг учун ҳам аниқланган касалликларни даволаш ва шу болаларни даврий тиббий кўриклардан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг «**Бошланғич синф ўқувчиларининг кунлик овқатланиш рационали таркибидаги витаминлар миқдорини гигиеник таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида мактаб ўқувчиларнинг овқатланиш тартибини йилнинг барча фаслларида алоҳида ўрганишни мақсад қилиб олдик, чунки барча фаслларни бирлаштириб таҳлил қилишда ишончли натижа олиш қийинроқдир. Назорат остига олинган мактаб ўқувчиларнинг йил фаслларидаги овқатланиш тартиби ва таркибини меъёрий хужжатларда келтирилган маҳсулотларнинг жамламасини 45 та маҳсулотлар кетма-кетлигида таҳлил қилдик ва уларнинг истеъмол даражасига қараб учта хавф гуруҳига ажратдик.

Энг кўп ва юқори миқдорда истеъмол қилган маҳсулотлари юқори хавф гуруҳи маҳсулотлари таркибига киритилган.




2-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг юқори хавф гуруҳ маҳсулотларининг истеъмол даражасининг гигиеник таҳлил

2-расмдан кўришиб турибдики, 13 та маҳсулот юқори хавф гуруҳига киритилган, бўлиб, қандолат маҳсулотларининг истеъмоли қиш мавсумида 4,5 марта, баҳор мавсумида 3,9 мартага, ёзда 3,8 ва куз мавсумида эса 4,1 мартага, макроннинг фасллар кесимидаги истеъмоли 1,6-2,0 мартага, энг юқори нисбати қиш мавсумида, шакарли ва қуруқ сутли қахванинг истеъмоли 1,6-2,5 мартагача, ош тузининг истеъмоли 1,6-2,0 мартагача, шунингдек, шакар, томат пастаси ва зираворлар ҳам ортиқча истеъмол қилинганлиги, айниқса мактаб буфети, кўчада истеъмол қилинган фас-футлар билан томат соаусини истеъмоли ошқозон ичак тизими касалликлари ривожланишига шароит яратган.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич синф ўқувчилари учун кунлик рационда маргариннинг меъёрий хужжатларда истеъмол даражаси тавсия этилмаганлигига қарамасдан унинг истеъмол даражаси 3,0-3,1-2,5-3,5 мартагача ортиқчалиги, ўсимлик мойининг истеъмол даражаси йилнинг ёз мавсумида меъёрдан кам, чунки маргарин ишлатилган, бироқ, қиш баҳор ва куз мавсумларида 6,6-20,0% гача ортиқча истеъмол қилинган.

Бошланғич синф ўқувчиларнинг кунлик рационда асосий зарурий қийматга эга маҳсулотларнинг камлигини инобатга олган тартибида 17 та маҳсулотни ўртача хавф гуруҳ маҳсулотларига ажратдик ва уларнинг истеъмол даражаси 3-расмда келтирилган.




3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўртача хавф гуруҳ маҳсулотлари истеъмол даражаси

Охирги маълумотлардан маълумки, олий навли нон маҳсулотларининг истеъмол даражаси юқори бўлишига қарамасдан, жавдар нонини истеъмоли 23-31,2%и, бўтқаларнинг истеъмоли эса 40-60%гача бўлишига қарамасдан асосий таом ширгуруч (сутбурунч) ҳисобига бойитилган. Гўшт маҳсулотлари асосан мол ва товук гўшти билан бойитилишига қарамасдан меъёрдан камлиги, қўй ва қуён гўшти сезиларли даражада кам истеъмол қилинган. Қўй гўшти ушбу ҳудудда бошқа ҳудудларга нисбатан кам истеъмол қилинган. Умумий гўшт маҳсулотларининг истеъмол даражаси йил фаслларида 51,4-57,6%ни, балик

маҳсулотларининг истеъмоли эса 28,2-56,3%ни, соф балиқнинг истеъмол даражаси 25,0-53,0%ни ташкил қилган.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг кунлик рационида сут ва сут маҳсулотларининг истеъмол даражаси аҳамиятлидир, чунки МТТ ёшида уларнинг кунлик рационида сутнинг миқдори 4 бараварга камайтирилган. Сут маҳсулотлари таркибидаги кальций организмнинг таянч ҳаракат тизимини шаклланишида фаол иштирок этади. Назорат остига олинган мактаб ўқувчилари аксарияти уй шароитида аҳолидан сотиб олинган сут ишлатишган. Бирок, кунлик рационда сутнинг истеъмол даражаси 42,4-47,3%ни ташкил қилган. Сут маҳсулотлари орасида сариеғнинг организмдаги биологик аҳамияти ўринли бўлиб, сариеғ тўйинган ёғ кислотлари ва гормонлар синтезида фаол иштирок этиб, витаминлардан А, Е ва Д турларига бой ҳисобланади. Сариеғнинг истеъмол даражаси йил фаслларида 33,3-51,6%ни ташкил қилган бўлиб, ёғлилик даражаси 72,5%ни ташкил қилган. Сут маҳсулотларидан сузма, пишлок, қаймоқ ва сметнанинг миқдори эса 20-70%гача камлиги ўқувчилар орасида алиментар боғлиқ касалликлар билан биргаликда энг асосий темир танқислик камқонлиги ва витаминлар етишмаслиги, гиповитаминоз ривожланишига сабаб бўлган.

Паст хавф гуруҳи маҳсулотларига биз сабзот ва меваларни киритдик ва олинган натижалар 4-расмда келтирилган. Биз тузаланган карам, помидор ва бодринг истеъмол даражасини киритмадик.



4-расм. Бошланғич синф ўқувчиларининг паст хавф гуруҳ маҳсулотлари истеъмол даражаси.

Сабзавотлар витамин ва минераллар манбаидир, табиий шароитда етиштириладиган турли сабзавотлар турлича таркибга эга, айрим хужжатларда улар биргаликда берилган, бу эса ишончли натижа бермайди. Шунинг учун биз сабзавотларнинг барча турларни алоҳида ўргандик. Картошканинг физиологик меъёри 250 г., ўқувчилар кунлик рационида 54,4-67,6%ни, энг паст натижа баҳор фаслида қайт қилинган. Барча сабзавотлар истеъмол даражаси йил давомида кам бўлиб, фақат сабзи ва пиёз ёз-куз мавсумида 12,5-33,3%га

ортиқча. Кун давомида саримсоқ пиёзи ва кўкатлар ҳам кам истеъмол қилинган. Меваларнинг истеъмол даражаси 38,7-60,9%гача кам, бироқ цитрус мевалар қиш-баҳор мавсумида 20-35%гача ортиқча истеъмол қилинган.

Таъкидлаш жоизки, мактаб ўқувчиларнинг мактабдаги иккинчи нонушта ёки тушлик вақтидаги овқатланиш рационини битта булочка ёки турли картошка, қовоқ, кўкатли сомсалар, ўсимлик мойида қовурилган картошка, қовоқ ёки гўштли пирожоклардан иборат бўлиб, ўқувчиларининг кунлик истеъмол даражаси гигиеник талабаларга мос келмайди. Кунлик рацион таркибининг биологик қийматини таҳлилида қуйдагилар аниқланди.

Бошланғич синф ўқувчилар рационидаги витаминлар билан таъминланганлик даражаси

№	Витаминлар номи	Физиологик меъёр	Йил фасллари			
			қиш	баҳор	ёз	куз
1	Тиамин, мг	1,2	1,12±0,04	1,08±0,03***	0,98±0,03***	0,99±0,03**
2	Ривофлавин, мг	1,4	1,32±0,04	1,31±0,03***	0,71±0,03***	0,92±1,5***
3	Пиридоксин, мкг	1,5	1,4±0,05*	1,22±0,05*	1,26±0,04***	1,27±0,05*
4	Фолат, мкг	200	127,9±0,04	93,0±0,03***	109,9±0,03***	112,7±1,5***
5	Пантотент кислота, мг	3,0	2,6±0,04	2,3±0,03***	2,4±0,03***	2,5±1,5***
6	Цианокобаламин, мкг	2,0	1,3±0,04***	1,2±0,04***	1,3±0,05***	1,4±0,05***
7	Биотин, мкг	20,0	9,66±0,04***	9,60±0,04***	10,52±0,04***	9,61±0,04***
8	Холин, мг	500	202±0,04	193,3±0,03***	193,5±0,03***	185±1,5***
9	Ниацин, мг	15	5,0±0,04	4,2±0,03***	4,3±0,03***	4,5±1,5***
10	Аскорбин кислотаси	60,0	52,6±1,8*	43,36±1,6***	49,9±1,9	54,4±1,5***
11	Ретинол, мг/рет.экв	700,0	633,1±0,04***	642,5±0,04***	603,2±0,04***	613,4±0,04***
12	Токоферол, мг/ток.экв	10	8,35±0,04***	7,44±0,04***	6,47±0,04***	7,23±0,04***
13	Эргокальцеферол, мкг	10	1,43±0,04***	1,44±0,04***	1,35±0,04***	1,42±0,04***

